

КАСБ ТАЪЛИМИ МУТАХАССИСЛИГИ
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН

Касб танлашга йўллаш

Урганч.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Мавзу: Касбга йўналтириш ишининг асосий йўналишлари.

Ишдан мақсад: Талабаларни касбга йўналтириш ишининг асосий йўналишлари билан таништириш.

Бажариладиган ишлар :

1. Тавсия этилган материални қисқача конспектлаштириб ундаги педагогик ва методик асосларни аниқлаш ҳақида касбий маълумот, касб тарбияси, касбдиagnostикаси, касбий маслаҳат йўналишлари бўйича ифодалаш.

2. Материалдаги ғоя ва қоидаларнинг ҳозирги воқеалик билан боғланишини аниқлаш.

3. Ушбу мавзу бўйича курс ёки битирув малакавий иши ёзиш истагини билдириш ва бунинг сабабларини асослаш.

Назарий маълумотлар.

VIII-IX синфларда ўқувчиларга меҳнат таълими ва тарбияси, беришдан кўзланган мақсад болаларда уларнинг қизиқиш ва қобилиятларига мувофиқ меҳнат фаолиятининг турига доир билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтиришдир. Ўқувчиларнинг касбга йўналтиришнинг асосий йўналишлари эса касбий маълумот бериш, касб тарбияси, касб диагностикаси, касбий маслаҳатдан иборатдир.

Шу боисдан ўқувчиларни касбга йўналтириш ишининг асосий йўналишлари қуйдагилар: ўқувчиларнинг касб ҳақида маълумот, касб тарбияси, касб диагностикаси ва уларга касб (ихтисос) га оид маслаҳат беришдир.

Ўқувчиларга касбий маълумот бериш аввало, мактабнинг ўрта ва юқори синфлардаги таълим жараёнида амалга оширилади. Ўқувчилар эса касбларга доир билимларни ўқув ишлаб чиқариш комбинатларидаги машғулотларга ажратилади, амалий ва назарий машғулотларни бевосита корхоналарда ўтказиш тавсия этилади.

Бундай шароитда ўқувчиларнинг назарий билимлари такомиллашибгина қолмайди, балки уларда касб бўйича кўникма ва малака ҳам ҳосил бўлади. Улар меҳнат шароити билан бевосита танишадилар ва унда ўз кучларини синаб кўрадилар. Ана шундай таълим орқали ўқувчиларда касб ва ўзларининг унга лаёқатлари ҳақида тасаввур ҳосил бўлади.

Касб тарбиясига ўқувчиларда муайян касбларга қизиқишларни шакллантириш ва кучайтириш киради.

Назарий ва амалий машғулотлар ўқувчиларда касбий бурч, касб шаъни, касб маъсулияти ва касб этикаси сингари фазилатларни шакллантириш имконини беради.

Касбий бурч – меҳнат бурчининг бир туридир. Бу бурчга кўп вазифалар юкланиши унинг ўзига хос хусусиятидир.

Касбий бурч у ёки бу касб намояндалари бажарадиган маънавий (ахлоқий) талабларни белгалайди ҳамда умуман касб эгаларининг жамиятга, меҳнат фаолияти объектига, бир-бирига муносабатини, уларнинг мўлжалларини мужассамлаштирди.

Касб шаъни – одамнинг мутахасис сифатида ўзига ва ўз касбига муносабатини, мутахасисга жамиятнинг муносабатини ёритадиган фазилатидир. Касб шаъни одамнинг конкрет ижтимоий аҳволига, фаолиятининг тури ва хизматларининг тан олинишига боғлиқдир. Касб шаъни одамнинг ўзи ва унинг жамоаси эришган обрў-эътиборини қўллаб-қувватлашишни талаб қилади.

Касб маъсулияти – шахс касбий фаолиятининг касб бурчига мувофиқлигидир.

Касб этикаси (одоб-ахлоқи) – одамларнинг касбий фаолиятидан келиб чиқадиган ўзаро муносабатларнинг ахлоқий хусусиятини таъминловчи ҳуқуқ ативор қондасидир.

Ахлоқий талаблар умумий бўлишга ва синф ёки жамиятнинг ягона меҳнат ахлоқи мавжудлигига қарамай, касбий фаолиятнинг фақат айрим турлари учун махсус ҳуқуқ-атвор номалари ҳам мавжуд.

Ўқувчиларда ана шу фазилатларнинг ҳаммасини бевосита касб ўргатиш жараёнида шакллантирилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ўқувчиларга касб тарбияси беришнинг оммавий, гуруҳий ва яқка тартибдаги шакллари мавжуд.

Ўқув фаолиятида касб тарбияси беришнинг гуруҳий шакли амалга оширилишини «Тракторлар» бўлимида III класс машинист – тракторчи касби бўйича кириш мағулотини ўтказиш мисолида кўриб чиқайлик

Кириш мағулотларида ўқувчилар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид қарорлар билан: деҳқончилик-саноат комплексининг асосий вазифалари ва уларнинг амалга ошириш бўйича қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар билан танишадилар. Ўқувчилар ана шу ва қишлоқ хўжалиги меҳнатининг ташкил этилиши масалаларини муҳокама қилишда қатнашиб, уларнинг аҳамиятини чуқурроқ тушуна бошлайдилар.

Ўқитувчи ўқувчилар билан суҳбатлашиб, фан-техника тараққиёти меҳнатни ташкил қилишга ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш технологиясини принципиал ўзгартиришни таъкидлайди. Хозир деҳқончиликдаги кўп ишлар меҳанизмлар ёрдамида бажарилаётганини, механизатор касби қишлоқ хўжалик касблари орасида юқори ўрин олганини, қишлоқ хўжалик касблари орасида юқори ўрин олганини, қишлоқ меҳанизаторлари сони йил сайин кўпайиб бораётганини уқтиради.

Хозирги илғор меҳанизатор-чуқур билимларга эга бўлган кенг савияли мутахасисдир. Ушлаб чиқаришнинг хўжайини сифатида ўз жамоасида, коллективида, жамиятда содир бўлаётган ҳамма воқеалар учун ўзини жавобгар деб ҳис этади.

Ўқитувчи ўзининг саботлилиги ва ўз касбига меҳр қўйганлиги туфайли оддий меҳанизаторнинг катта муваффақиятларга эришганини, ҳурматга сазовор бўлганини маҳаллий илғор тракторчилардан бирининг мисолида кўрсатиб беради.

Ўқувчиларга касб тарбиясини амалга ошириш учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг касбий интилишини билиши ва ҳисобга олиши, ана шу интилишни кучайтиришда унга ёрдам бериши лозим. Мураббий эса ҳар доим тарбияланувчининг истагидан ва бу истакка эришиш учун қандай куч-ғайрат сарфланаётганидан хабардор бўлиши керак.

Касб тарбиясида ўқувчилар билан якка тартибда ишлашнинг шакллари алоҳида ўрин тутди. Бунда ҳар бир ўқувчининг шахсий фазилатлари ва имкониятларига жуда мувофиқ машғулотларни топиш зарур.

Ўқувчиларнинг касб диагностикаси уларга ўз меҳнат фаолиятини белгилашида ёрдам бериш ва улар билан якка ҳолда иш олиб бориш учун зарурдир.

Касб ўргатишда ўқувчилар касб диагностикасининг турли методларидан: кузатиш, ҳужжатларни, ўқувчиларнинг амалий ҳаракатлари, маҳоратларини, эътиқодларини таҳлил этиш, сўровномаларни тўлдириш, суҳбатлар, интервью, педогогик эксперимент ва ҳақозолардан фойдаланилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўқувчиларнинг касбий мақсадлари уларни касбга йўналтиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Касбий мақсад ўқувчиларнинг амалий фаолиятида, у ёки бу касбга алоқадор ҳодисаларга, жараёнларга, фактларга қизиқишларида намоён бўлади.

Ўқувчиларни касбий мақсадларини аниқлаш учун VII ва IX синфларда савол-жавоблар ўтказилади. Такрорий савол-жавоб касбга қизиқишнинг барқарорлашганини аниқлаш учун ўтказилади.

Касбий маслаҳат юқори синф ўқувчиларини касбга йўналтиришнинг таркибий қисмларидан биридир. Мактабларда касбий маслаҳат фаол йўсинда олиб борилади, қуйдаги вазифалар амалга ошириладиган:

- юқори синф ўқувчисининг шахси имкони борица тўларок ўрганилади, айниқса унинг қизиқишлари, майл ва қобилиятлари қандай ривожланаётгани аниқланади;
- ўқувчининг амалий тайёргарлик даражасини ўрганилаётган касбнинг талаблари билан таққосланади;
- ўқувчиларга касбни муваффақиятли эгаллаш учун зарур сифатларни ўзлаштиришнинг ўллари кўрсатилади;
- ўқувчилар эришаётган ютуқ ларни мунтазам назорат қилиб, уларнинг ўзини ўзи тарбиялашини рағбатлантирилади ва ўз мақсадларига эришишларида ўз вақтида ёрдам берилади.

Касбий маслаҳатларда ҳар бир ўқувчи мактабни битиргач ўқиш учун борадиган ўқув юртлари ва корхоналар ҳақидаги маълумотларни баён қилиш фойдалидир. Бундай маълумотлар альбомлар шаклида мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш марказларининг касбга йўналтириш кабинетларида сақланади.

Касб ҳунар коллежларида ўтказиладиган касблартўғрисидаги суҳбатлар касбга йўналтириш ишининг шаклларида биридир. Ана шундай суҳбатларга касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари ёки база корхоналар, жамоат хўжаликларининг мутахасислари таклиф қилинади.

Сўзга чиққанлар ўқувчиларга мазкур касбнинг аҳамияти, ишлаб чиқариш тизимидаги ўрни, касб бўйича меҳнатнинг мазмуни ҳақида ҳикоя қиладилар. Сухбат вақтида ана шу касб бўйича меҳнатнинг мазмуни ҳақида ҳикоя қиладилар. Сухбат вақтида ана шу касб эгаларининг иш шароитлари тўғрисида ҳам гапирилади ва унда меҳнат фаолиятининг ижобий ва салбий жиҳатларига, иш куни, таътил, иш ҳақи, имтиёзлар ва бошқа масалаларга эътибор бериледи. Малака ошириш имкониятлари алоҳида таъкидланади.

Ўқувчиларнинг қайси касбларга лаёқатлилигини аниқланаш учун ёзги ишлаб чиқариш амалиёти вақтида уларнинг ҳар бирига база корхона ёки жамоа хўжалигининг ишчиларидан мураббийлар тайинлаш керак. Мураббийлар эса ўқувчилар билан доимий бирга бўлиб, уларга малакаларни эгаллашда ёрдам беришлари, амалиёт охирида ҳар бир ўқувчи ҳақида тавсифнома ёзишлари лозим. Тавсифномада ўқувчининг ишга муноабати, билимларнинг савияси, ўзи танлаган касбга қанчалик қизиқиши ва ҳақозолар ифодаланиши шарт.

Ўқитувчи ўзининг ва ишлаб чиқариш таълим устаси ҳамда мураббийнинг кузатишлари натижаларини солиштириб, ўқувчининг касбий ниятлари ва имкониятлари тўғрисида ҳулоса чиқарилади.

Шундай қилиб, ўқитувчининг VIII-IX синфлардаги меҳнаттаълими жараёнидаги ишлари ўқувчиларни касбга йўналтириш ва касбий тарбиялашга, уларда касбга муҳаббат уйғотишга, касб учун муҳим фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Назорат саволлари.

1. Касбга йўналтириш ишининг асосий йўналишларига нималар киради?
2. Касбий бурч деганда нимани тушунаси?
3. Касб шаъни деганда нимани тушунаси?
4. Касб этикаси деганда нимани тушунаси?

Адабиётлар.

1. К. Давлетов “Меҳнат ва касб таълими тарбиясидан амалий машғулотлар” Тошкент, Ўқитувчи-1995.
2. К. Давлетов, И. Чичков “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент, Ўқитувчи-1988
3. Л. В. Ботякова ва бошқалар “Касбга йшналтириш ўқув-методика кабинети” Тошкент, Ўқитувчи-1989.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Мавзу: Касб танлаш варақасини тўлдириш.

Ишдан мақсад: Касб танлаш варақасини тузилиши ва уни тўлдиришни ўргатиш.

Бажариладиган ишлар:

1. Касб танлаш варақасида ифодаланадиган масалаларни ва улардаги ғояларни ўрганиш.
2. Мактабдаги бир синф ва касб-хунар коллежларидаги битта гуруҳ учун варақани тўлдириш дастурини ишлаб чиқиш.
3. Касб танлаш варақасининг якка вариантыни тузиш.
4. Ўқувчилар тўлдирилган варақалардан олинган маълумотларни ишлаш методикасини белгилаш, улардаги фикрларнинг асосий йўналишларини аниқлаш, ўқитувчилар, усталар ва синф раҳбарлари учун тавсиялар тайёрлаш.
5. Фойдаланилган адабиётларни қисқача таҳлил қилиш.

Касб танлаш варақаси.

1. Исм ва фамилиянгиз, туғилган йилингиз.....
2. Ким бўлишни хоҳлайсиз ва нима учун?.....
3. Жисмоний маълумотлар: бўйингиз....(оғирлигингиз....,заиф сезги органларингиз (таги чизилсин): кўриш, эшитиш, хид билиш, таъм билиш, пайпаслаб хис этиш, мувозанат....бошқа заиф органларингиз(таги чизилсин ва ёзиб тўлдирилсин): ўпка, юрак, мушаклар, қўллар, оёқлар. Кейинги 4 йил ичида бошдан кечирган кўнгилсиз воқеалар ва оғир касалликлар, уларнинг оқибатлари.....
4. Қизиқиш ва майлингиз:
Қайси фанларни ёқтирасиз?.....
Қайси фанларни ёқтирмайсиз?.....
Бўш вақтдаги машғулотингиз.....
Ўқув йили давомида неча китоб ўқидингиз?.....
Қайси тўғарақда қатнашдингиз?...
5. Кузатувчанлик, фикрлаш ва ҳаракатнинг аниқлиги, бошқаларни ишонтира билиш, гапга чечанлик, бардошлилик каби хусусиятларингиз (таги чизилсин ва ёзиб тўлдирилсин).....
6. Энг маъқул кўрган машғулотингиз (таги чизилсин ва ёзиб тўлдирилсин): одамлар билан ҳамкорлик (буюмлар яшаш); жамоада ёки якка ҳолда ишлаш; ўтириб ишлаш, тинч ҳолатда ишлаш; кўтаринкиликни, қизиқишни, курашишни талаб қилувчи ишларни бажариш; жавобгарликсиз ёки жавобгарли, тез ҳаракат қилишни ёки секин ҳаракат қилишни тақазо этувчи, табиий шароитда, бино ичида бажариладиган ишлар, жисмоний куч сарфлашни талаб қиладиган ёки талаб қилмайдиган ишлар....

7. Ўз мактабингизда ёки яқин атрофдаги мактабнинг IX синфида қандай касб ва ихтисосликни ўрганишни хоҳлайсиз?
8. Қайси касб ўзининг хоҳлаган ихтисосга энг яқин?
9. Қайси касбни танлашга қарор қилдингиз ва нима учун?....
10. Танланган касбингиз бўйича қўшимча нималарни билишни хоҳлайсиз?
11. Касбни танлашингизга ота-онангиз қандай қарайди?
12. Ўқиш учун қайси Олий ўқув юртига киришни хоҳлайсиз?
13. IX синфни тамомлагач ишлаш учун қаерга борасиз ёки қаерда ўқийсиз?
14. Бошқа қайси касбларни мамнуният билан ўрганар эдингиз?
15. Қайси касб ёки ихтисосликни бутунлай ёқтирмайсиз?
16. Келажакда ўрта мактабни ёки Олий ўқув юртини битиргандан ёки танлаган касбингизни ўрганиб олгандан кейинги режаларингиз.....

(мактаб)

(ўқувчининг исми)

Синф раҳбарининг изоҳ ва хулосалари
200 йил «____» _____

Назорат саволлари.

1. Касб танлаш варақасида қандай бўлимлар мавжуд?
2. Касб танлаш варақаси нима мақсадида тўлдирилади?

Адабиётлар.

1. К. Давлетов “Меҳнат ва касб таълим – тарбиясидан амалий машғулотлар” Тошкент, Ўқитувчи-1995.
2. К. Давлетов, И. Чичиков “Ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент, Ўқитувчи-1988
3. Л. В. Ботякова ва бошқалар “Касбга йўналтириш ўқув-методика кабинети” Тошкент, Ўқитувчи-1989.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Мавзу: Ўқувчиларни касбга қизиқиши ва қобилиятларини ўрганиш.

Ишдан мақсад: Ўқувчиларни касбга қизиқиши ва қобилиятларини ўрганишда “Касбий маслаҳат варақаси” ва “Касб танлаш варақасини” ўрни ва ролини ўрганиш.

Бажариладиган ишлар:

1. Ўқувчиларнинг касбга қизиқиши ва қобилиятини ўрганишга оид хужжатларни ўрганиш.
2. Уларда ифодаланган, шу жумладан узлуксиз педагогик амалиёт давридаги вазифаларни бажариш йўллари баён қилиш.
3. Олинган маълумотларни батафсил таҳлил қилиб, ишнинг натижалари тўғрисида реферат ёзиш.

Ўқувчиларнинг касбга қизиқиш ва қобилиятларини ўрганишга оид хужжатлар.

Ўқувчиларнинг касбга қизиқиш ва қобилиятларини ўрганишга оид махсус хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш иши мактабларда кенг йўлга қўйилган. Қуйида чиққан “Касбий маслаҳат варақаси” ва “Касб танлаш варақаси” ни намуна тариқасида келтирамиз ва шулар асосида ҳар бир мактаб ўз хужжатларини ишлаб чиқиши мумкин.

Касбий маслаҳат варақаси

1. Тиббий маълумотнома

- саломатлигининг умумий ҳолати;
- нуқсонлар ва нормадан четга чиқиш;
- сурункали каслликлар;
- келгусида эгалладиган касб юзасидан шифокорнинг тавсиялари.

1. Ота-оналар ҳақидаги маълумотнома:

- ота-она қандай касбни тавсия қилади;
- болани мазкур касбни эгаллашга тайёрлаш бўйича оила қандай ёрдам бераётир;
- бола бўш вақтида нима билан шуғулланишни яхши кўради;
- бола V ва VIII синфларда ўқиётганда мактабда ва мактабдан ташқари муассасаларда қандай тўғарақларда қатнашган.

2. Ўқувчилар уюшмасининг маълумотномаси кўрсатилиши керак:

- боланинг ахлоқий сифатлари;
- бола қандай жамоатчилик ва меҳнат вазифаларини ёмон бажаради, қандай вазифаларни бажаришдан бош тортади;
- боланинг касб танлаши муносабати билан мураббийнинг тавсияси.

3. Меҳнат ўқитувчисининг маълумотномаси:

- боланинг меҳнатга муносабати;

- бола нима билан бажонидил шуғулланади, нимадан бош тортади;
- интизомлилик даражаси, хавфсизлик техникаси қоидаларини қандай бажаради;
- боланинг зехни ўткиролиги, топқирлиги, тадбиркорлиги қай даражада;
- бола психомоторикасининг хусусиятлари: ҳаракатнинг аниқлиги, тезлиги ва мувофиқлиги, вазиятлардан таъсирланишнинг тезлиги;
- узоқ давом этадиган қизғин меҳнатга қобилияти;
- болага маслаҳат.

5. Жисмоний тарбия ўқитувчисининг маълумотномаси:

- боланинг жисмоний тайёргарлиги ва спортга яроқлилиги;
- спортнинг усевган тури;
- жисмоний чидамлилиги;
- болага маслаҳат.

6. Ашулла ўқитувчисининг маълумотномаси:

- боланинг муסיкий қобилияти;
- унинг хушовозлиги;
- болага маслаҳат.

7. Расм ўқитувчисининг маълумотномаси:

- боланинг расм чизишга ва чизмачиликка қобилияти;
- болага маслаҳат.

8. Бошқа фан ўқитувчиларининг маълумотномалари:

- боланинг фанни ўзлаштириши;
- фанга қизиқиши;
- ижодкорлик нимада пайдо бўлади;
- фан бўйича синфдан ташқари ишларда қатнашадими;
- дастурдан ташқари фанни билиши;
- ўқитувчиларнинг маслаҳатлари.

9. Тўғарак раҳбарларининг маълумотномалари:

- боланинг тўғаракда қачондан буён шуғулланиши;
- болага маслаҳат.

Синф раҳбарининг ҳулосалари.

Илмий бўлим мудир ва директорнинг тавсиялари.

Варақа тўлдирилган вақт.

Назорат саволлари

1. Касбий маслаҳат варақасида қандай маълумотномалар мавжуд бўлади?
2. Меҳнат ўқитувчисини маълумотномасида нималар ёритилиши керак?
3. Ўқувчиларни касбга қизиқиш ва қобилиятларини ўрганишга оид ҳужжатларга нималар киради?

Адабиётлар.

1. К. Давлетов “Меҳнат ва касб таълим – тарбиясидан амалий машғулотлар” Тошкент, Ўқитувчи-1995.
2. К. Давлетов, И. Чичиков “Ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент, Ўқитувчи-1988
3. Л. В. Ботякова ва бошқалар “Касбга йўналтириш ўқув-методика кабинети” Тошкент, Ўқитувчи-1989.

Лаборатория иши

Мавзу: Касбга йўналтириш ишларини амалга оширадиган ходимлар.

Ишдан мақсад: Талабаларни касбга йўналтириш ишларини олиб борадиган ходимлар ва уларни бажарадиган ишлари билан таништириш.

Бажариладиган ишлар:

1. Тавсия қилинган материални ўрганиш, унда ифодаланадиган ғоялар ва принципларни аниқлаш.
2. Таҳлил қилинган масалаларга шахсий муносабатларни баён этиш.
3. Касбга йўналтириш ишининг асослари юзасидан тавсиялар тузиш.
4. Фойдаланилган адабиётларга қисқача аннотациялар ёзиш.

Назарий маълумотлар.

Хозирги вақтда мутахассисларнинг тўрт гуруҳи аниқ намоён бўлиб қолди. Касбга йўналтириш тизимида илмий ишланмалар ва уларни амалга ошириш кўпроқ ана шу мутахассисларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқдир.

Касбга йўналтириш соҳасидаги ишларни умумий таълим мактабининг ўқитувчилари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ходимлари бажарадилар. Ўқувчиларни ўрганиш, уларнинг майли, қобилияти ва қизиқишлари ривожланишига раҳбарлик қилиш, касбга мойилликни шакллантириш, касблар билан танишишни ташкил қилиш уларнинг вазифасига киради. Бу борадаги ишларни амалга ошириш ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, шахсни ўрганиш методлари, касблар, кадрларга талаблар ва касбга йўналтириш тўғрисидаги билимларга эга бўлишни тақозо этади. Мактаб шароитида бундай билимлар ҳар бир ўқитувчига зарур, чунки улар фан ўқитувчиси, синф раҳбари, синфдан ташқари ишлар ташкилотчиси сифатида фаолият кўрсатадилар.

Тажрибадан педогоглар касб танлашда муайян ёрдам бериш зарур бўлиб қолганида энг кўп қийинчиликларга дуч келишлари кўринмоқда. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Касбий маслаҳат муайян билимлар комплексини талаб қилади. Шу боисдан хозир кўп мамлакатларда ана шу ишни амалга ошириш учун махсус кишилар ажратилмоқда. Улар маслаҳатчи психолог ёки махсус тайёргарликдан ўтган мактаб ходимлари (илмий бўлим мудири,

тажрибали ўқитувчи) лардан танлашади ва булар биринчи гуруҳ мутахассисларидир.

Иккинчи гуруҳ ходимлари-касб бўйича тиббий маслаҳат берувчи ва ўқув юртларида, корхоналарда, спорт муассасаларида, қишлоқ хўжалиги ва бошқа жойларда ишлаётган мактаб ҳамда болалар шифокорларидан иборатдир. Ўўзидан аёнки, улар ҳам касб-корлик бўйича табиий ва физиологик кўрсатмалар бериш, умуман ўз вазифаларини кўнгилдагидек бажариш учун шахсни ўрганишга доир методларни пухта билишлари керак.

Ишга жойлаштириш органлари ва кадрлар тайёрлаш бўлимларининг ходимлари касб-хунар коллежларидаги ишлаб чиқариш таълими усталари касбга йўналтиришни тугал бажариш корхоналарга ёш ишчиларини жойлаштириш, касбга ўргатиш ва кўниктириш соҳасида катта ишлар ни амалга оширишлари, ёшларга турли маълумотлар ва касбий иаслахатлар беришлари лозим, улардан бири эса корхона ва муассасаларнинг касбий-малака структурасини, касблар мазкур тумандаги халқ хўжалиги тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини, кадрларга эҳтиёжларни яхши билишни талаб қилади. Бундан ташқари, улар ёшлар билан узлуксиз ишлашлари, ўқувчиларда касбга қизиқишни тарбиялаш, касб малакаларни мустаҳкамлаш бўйича иш олиб боришлари ҳам зарур.

Мутахассисларнинг яна бир гуруҳи касбга йўналтириш, касбий маслаҳат бериш ва касб танлаш тизимини илмий жиҳатдан амалда ишлаб чиқишда ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Булар психологлар ва физиологлар (касбий мслаҳатчилар, экспортлар, методистлар) дан иборатдир. Бундай мутахассисларнинг ўқишни ташкил қилиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Хозир касбга йўналтирувчи ходимларни тайёрлаш асосан тадқиқод, амалий иш жараёнида ва мустақил ўқиш йўли билан олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг ақат озгина қисми ўқитувчилар ва шифокрлар малакасини ошириш институтларида, педагогик билимларни тарғиб қилиш уйида, Олий педогика курсларида айриммасалалар бўйича маърузалар тинглаш имкониятига эга бўладилар. Баъзи педагогика институтларида ҳам кичик курслар ўқилмоқда. Мактаблар, касб-хунар коллежи усталари, тиббиёт ходимлари касбга йўналтириш масалалари билан танишишлари лозим. Буни касбий тайёргарлик ихтисосини бир оз кенгайтириш ва педагогика институтларида, касб-хунар коллежларида ва тиббиёт ўқув масканларида касбга йўналтириш бўйича махсус курслар жорий этиш орқали амалга ошириш бўйича эмас, балки умуман болалар билан ишлаш бўйича махсус курслар ташкил қиш мақсадга мувофикдир. Бундай урслардан ўтган кишилар тегишли ихтисосга эга бўлиб, мактабдан ташқари муассасаларда болаларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш бўйича самарали иш олиб боришлари мумкин. Ишлаб турган мутахассислар касбга йўналтиришга доир билимларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида олишлари мумкун ва лозим.

Ходимларни илмий тадқиқод ишларига тайёрлаш иши бир оз бошқачароқдир. Бунда ихтисослаштириш соҳасида жиддий масала пайдо

бўлмоқда. Хозирги вақтда касбга йўналтириш бўйича мутахасислар тайёрлаш ишларининг бир қисмини университетларнинг психология факультетлари ва бўлимлари бажармоқда. Масалан, уларда “Касб танлаш ва касбга йўналтиришнинг методологик асослари” махсус курси ўқитилмоқда ва бу курс шахснинг ўзига хос қобилиятлари ва хусуиятларини баҳлаш методлари бўйича амалий машғулотлар билан биргаликда олиб борилмоқда. Лекин бу аслида мазкур муаммога киришдир, холос.

Касбга йўналтириш ишларини ривожлантиришни ходимларни тайёрлашнинг мавжуд йўллари билан амалга ошириб бўлмаслиги яққол кўринмоқда. Қаор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси мазкур мутахасисларни амалиётчи ходимлардан маълумотли ва ихтиосли тажрибали педагоглар, психологлар, физиологлар, шифокорлардан тайёрлаш зарурлигини кўрсатади.

Назорат саволлари.

1. Касбга йўналтириш ишларини қайси ходимлар амалга оширади?
2. Касб бўйича тиббий маслаҳат берувчи ходимларни вазифаси нималардан иорат?
3. Касбга йўллашда психолог ва физиологларни вазифалари нималардан иборат?

Адабиётлар.

- 1.К.Давлетов “Меҳнат ва касб таълим — тарбиясидан амалий машғулотлар” Тошкент, Ўқитувчи-1995.
2. К.Давлетов, И.Чичиков “Ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш”Тошкент, Ўқитувчи-1988
3. Л.В.Ботякова ва бошқалар “КАсбга йўналтириш ўқув-методика кабинети” Тошкент, Ўқитувчи-1989.

Лаборатория иши

Мавзу: Касбга йўналтиришни бошқариш омиллари.

Ишдан мақсад: Талабаларни касбга йўналтиришни бошқариш омилари билан танишиш.

Топшириқлар:

1. Тавсия этилган материални ташкил қилиш. Ундаги ғоя, принцип ва янгиладиган маълумотларни аниқлаш ва қуйдаги тартибда ифодалаш:
I. Материалдаги ғоя принциплар (муаммолар, таклифлар).
II. Уларни мактабларга татбиқ этиш йўллари.
2. Қўшимча адабиётлардан мавзуга тегишли ташкилий ва педагогик масалалар топиш, улардаги ғоя, принцип ва бошқа маълумотларни ҳам аниқлаш ва батартиб ифодалаш.
3. Тўпланган маълумотлар асосида тавсия этилган материални қайта ишлаш ундаги миллий омилларга кўпроқ эътибор бериб реферат тайёрлаш. Мавзу бўйича курс иши ёзиш истаги туғулса, буни ҳисоботда билдириш.

Назарий маълумотлар.

Ўзбекистон Республикасида ёшларни касбга йўналтириш тадбирлари бўйича қабул қилинган қарорлар мазур ишни марказлаштирилган тарзда бошқаришда катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг политехник таълим бўлими меҳнат таълими ва касбга йўналтириш бўлимига айлантирилди. Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида касбга йўналтириш сектори ишлай бошлади.

Касбга йўналтириш билан шуҳулланувчи янги тузулган ва қайта ташкил қилинган бўлимларнинг вазифаси туман, вилоят ва республика миқёсида раҳбарликнинг ташкилий тажрибаларини умумлаштиришдан; касбга йўналтириш бошқармаси бўғинлари ишини кучайтиришнинг ташкилий-методик тадбирларни ишлаб чиқиш ва тажрибада текшириб кўришдан иборат эди.

Шу тариқа республикада касбга йўналтиришни бошқариш тизимининг таркиб топиши ва ривожланиши 1970 йилдан бошланади. У халқ хўжалигининг малакали кадрларга талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб, касб танлашда ўғил ва қизларга ёрдам бериши; касбга йўналтириш ишини режалаштириши, унинг мазмунини белгилаши; вазирликлар, идоралар, биргаликда куч-ғайратларини мвофиқлаштириши лозим эди.

Касбга йўналтиришни илмий бошқаришни ҳукумат, корхоналар ва ташкилотларнинг ишчи кучини режа асосида тайёрлаш ва ёшларни ишчи касбларга йўналтириш соҳасидаги ҳаракатлари тизими ҳисоблаш лозим. Шу боисдан касбга йўналтириш ишининг ташкилотчилари факт тармоқларнинг эмас, балки айрим корхоналарнинг ҳам кадрларга талаб-эҳтиёжларини билишлари ва шу ҳақда мактаблар ва ўқитувчиларга ахборот бериб туришлари амалий тадбирлар дастурини ишлаб чиқишлари ва уни бажариш учун куч ва маблағларни сафарбар этишлари; бошқарув тизимининг барча бўғинлари назорат ўрнатишлари ва уларга ёрдам беришлари лозим.

Республикада ёшларни касбга йўналтиришни бошқариш тизиминининг структураси қарор топади. Бу тизим қуйидаги босқичлар бўйича ривожланади:

I босқич. 1966-1970 йилларда касбга йўналтиришнинг самарали шакл ва методлари изланади. Амалий фаолият асосан мактаб-туман доирасида олиб борилди. Умумий таълим мактабларида касбга йўналтириш бўйича кенгашлар туман халқ таълими бўлимлари ҳузурида эса касбга йўналтирувчи кенгашлар ташкил қилинди. Қишлоқ ёшларини деҳқончилик касбларига йўналтириш борасида мактаб, қишлоқ ҳунар-техника билим юрти, жамоа ва давлат хўжаликларининг биргаликда ишлашига асос солинди.

II босқич 1970-1971 йилларда республика миқёсида бошқарув тизими бўғинларини шакллантириш ҳаракатлари амалга ошди. Касбга йўналтириш бўйича республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ташкил қилинди.

III босқич 1972 йилдан бошлаб касбга йўналтириш бўйича амалий фаолиятнинг мазмуни ва методлари такомиллаштирилди. Архивдаги тегишли материаллар ўрганилди. Бу тадбирлар бошқарувнинг барча бўғинларида касбга йўналтириш ишларини ишларини муайянлаштириш имконини беради.

Натижада республикада таркиб топган касбга йўналтириш бошқаруви тизимининг умумлаштирилган схемасини тузиш ва уни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин бўлади:

Биринчидар, барча тармоқ вазирликлари, идоралар, муассасалар, мактаблар, маориф, касб-ҳунар таълими органлари касбга йўналтириш тизимига қамралади;

Иккинчидан, касбга йўналтириш ишларининг барча бўғинлари мувофиқлаштирилди ва уларнинг ўзаро алоқаси йўлга қўйилди;

Учунчидан, бошқаришнинг ҳар бир бўғинига юкланган вазифалар аниқланди.

Таҳлил қилиш асосида касбга йўналтиришни бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги босқичлари аниқланади:

- Бошқариш аппаратини мутахассислар билан тўлдириш тугалланди;
- Мутахассислар ва илмий-методик ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бажарилди;

- Касбга йўналтириш ишлари мураккаблашувига кўра, уни бошқаришнинг барча бўғинларини мувофиқлаштириш масалаларини илмий асосда ишлаб чиқишга эътибор кучайтирилди.

Касбларни тўғри танлашда ва ишлаб чиқаришга кўникишда ёшларга ёрдам беришдан иборат мақсадга эришиш учун барча кучларни ташкил қилиш ва бирлаштиришда республика идоралараро кенгаши асосий роль ўйнайди.

Кенгашга барча манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа уюшмаларнинг раҳбар органларидан вакиллар жалб қилинган.

Ёшларни касбга йўналтирувчи вилоят, шаҳар ва туман идоралараро кенгашлар ҳам ана шу принцип асосида тузилади. Республика вазирликлари ва идораларида таркибий бўлинмалар ташкил этилди.

Касбга йўналтирувчи республика ва баъзи вилоят, шаҳар ҳамда туман кенгашлари ишининг фаоллашганлиги болшқарув тизимидаги айрим бўғинлар ишини режалаштириш юзасидан тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини беради.

Касбга йўналтирувчи республика, вилоят кенгашлари тарғибот ишларини олиб бориш, ишчи кадрларни тайёрлаш ва тақсимлашга жиддий эътибор берди. Масалан, илмий тадқиқот гуруҳи 14 та илмий муассаса ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб турибди. Бу гуруҳ республиканинг шу соҳада ишлаётган, турли ташкилотларнинг номоёндаларини бирлаштирган. Гуруҳ касбга йўналтиришнинг турли жиҳатлари бўйича ҳамма мапвзуни ўз ичига олган илмий тадқиқотлар режасини ишлаб чиққан.

Назорат саволлари

1. Республикада касбга йўналтиришни бошқариш тизимида нечанчи йилда асос солинди?
2. Республикада ёшларни касбга йўналтиришни бошқариш тизими қайси босқичлар бўйича ривожлантирилади?

Адабиётлар.

1. К.Давлетов “Меҳнат ва касб таълим-тарбиясидан амалий машғулотлар” Тошкент, Ўқитувчи – 1995.
2. К.Давлетов, И.Чичиков “Ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент, Ўқитувчи – 1988.
3. Л.В.Ботякова ва бошқалар “Касбга йўналтириш ўқув-методика кабинети” Тошкент, Ўқитувчи- 1989.

Лаборатория иши

Ишдан мақсад: Талабаларни касб танлаш хонасини жиҳозланиши ва иш фаолияти билан таништириш.

Топшириқлар:

1. Тавсия этилган материални таҳлил қилиш, Ундаги ғоялар ва принципларни такомиллаштиришдаги янги маълумотларни топиш.
2. Материални ҳозирги талаблар асосида қайта ишлаш. Унда миллий омилларга кўпроқ эътибор бериб, реферат тайёрлаш.

Назарий маълумотлар

Мактаблардаги касбга йўналтириш хонасининг иши қуйидагилардан иборат: ўқитувчилар учун методик секциялар, кенгашлар ва конференциялар, семинарлар, маърузалар, касб-хунар коллежларига, оталиқ корхоналарига экскурсиялар ташкил қилиш; фан-техникага оид фильмларни ва ўқув фильмларини намойиш этиш; ўқувчилар биланишлаш бўйича синф раҳбарлари, мактаб шифокорлари учун доимий ишлайдиган ва даврий кўргазмалар, семинарлар, ота-оналар учун маърузалар уюштириш; мактаб учун касбга йўналтиришга оид методик материаллар тайёрлаш; касбга йўналтириш бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатларини тузиш.

Хонага махсус кабинет ажратилади. Уни стенд, транспорант ва витриналар билан жиҳозланади, хонада столлар ва касбга йўналтириш бўйича хилма-хил кўргазмали қўлланмаларни сақлаш учун шкафлар бўлади.

Мактаблар ва касб-хунар коллежида, олий ўқув юртларида корхоналардаги касбга йўналтириш кабинетларини яхши ташкил қилиниши ва ундаги тадбирларнинг аниқ пухта ўтказилиши шаҳар ва қишлоқ ёшлари ўртасида касбий ахборот ва маслаҳат ишларини жонлантириш, кенг жамоатчиликнинг диққат –эътиборини ёшларни касбга йўналтириш, мактабларни ва касб-хунар коллежларини битирганларни ишга жойлаштириш ва ишлаб чиқариш шароитларига кўниктириш масаласига қаратиш имконини беради.

Касбга йўналтириш ишини амалга ошириш учун бошқарув тизими ходимларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур тизим ходимларининг малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш мақсадида раҳбар ходимларни олти игуруҳга бўлишга тўғри келди. Саноат ва кунрилишда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда, халқ маорифида, касб-хунар таълими соҳасида давлат меҳнат ресурсларида ва касбга йўналтириш кабинетларида касб танлаш ишларининг йўлга қўйилиши ва унинг муваффақияти асосан ана шу ходимларнинг тайёргарлик даражасига

боғлиқдир. Шунинг учун доимий ишлайдиган республика, вилоят ва туман семинарларини ташкил этишга қарор қилинди. Семинарларнинг мавзулари, ўтказиладиган вақтлари ва тингловчиларнинг таркиби белгиланади. Касбга йўналтириш бўйича маърузачилар гуруҳлари ташкил қилинди. Уларсеминарларнинг дастурларини туздилар. Касбга йўналтириш ишлари тизимининг ташкилий-методик структурасини ишлаб чиқдилар. Жойлардаги касбга йўналтиришга доир иш тажрибаларини ўрганиб, умулаштира бошладилар.

Бу тадбирлар идоралараро кенгашларнинг фаолиятини кучайтирди, ходимларнинг семинар машғулотларига қизиқишини оширди, натижада туманларда, мактаблар ва корхоналарда ёшлар билан ишлашнинг самарадорлиги ортди. Мактаб ўқувчиларининг кайфиятларини ва ишларидаги силжишларини аниқлаш учун республиканинг турли минтақаларида анкеталаштириш ўтказилди. Анкетанинг “Мактабдаги севган фапнингиз?” саволига жавобларда меҳнат таълими биринчи ўринга қўйилган. Бунга сабаб Ўзбекистондаги ўқувчиларнинг деярли 80% фоизи қишлоқ хўжалиги билан боғлангани эди. Улар жамоа ва давлат хўжалиги далаларида деҳқончилик ишлари билан шуғулланадилар, томорқа ишларида фаол қатнашадилар. Бу эса уларга физика кимё ва бошқа фанлар билан қизиқиб шуғулланишда, тўғарак ишларида фаол қатнашишда ҳалақит бермайди. Одатда VIII-IX синфларнинг ўқувчилари отагоналарнинг касбларини яхши биладилар, чунки таътил пайтларида фермалар, омборлар, дон ва пахта тозалаш пунктларида уларга кўмаклашадилар ёки қишлоқ хўжалик агрегатларида оталари билан бирга ишлайдилар.

Назорат саволари

1. Касб танлаш хоналарини ташкил қилишдан мақсад нималардан иборат?
2. Касбга йўналтириш бўйича маърузачилар гуруҳини вазифалари нималардан иборат?

били

Адабиётлар.

- 1.К.Давлетов “Меҳнат ва касб таълим-тарбиясидан амалий машғулотлар” Тошкент, Ўқитувчи – 1995.
- 2.К.Давлетов, И.Чичиков “Ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент, Ўқитувчи – 1988.
- 3.Л.В.Ботякова ва бошқалар “Касбга йўналтириш ўқув-методика кабинети” Тошкент, Ўқитувчи- 1989

Лаборатория иши

Мавзу: Касб танлашнинг айрим сиёсий масалалари.

Ишдан мақсад: Касб танлаш масалалари билан талабаларни яқиндан таништириш.

Бажариладиган ишлар:

1.Тавсия этилган материални ҳар томонлама таҳлил қилиш. Ундаги ғоялар ва принципларни аниқлаш. Мавзуга доир қўшимча маълумотларни топиш ва улардаги педагогик ҳамда сиёсий масалалар билан танишиш.

2.Тўпланган маълумотлар асосида тавсия этилган материални қайта ишлаб, реферат тайёрлаш. Унда касб танлаш масаласини ёритишда миллий омилларга алоҳида эътибор бериш. Реферат устида ижодий ишлаб шу мавзу бўйича курс иши ёзиш фикри туғилса, уни ҳисоботда баён қилиш.

Назарий маълумотлар.

Айрим тадқиқотчилар ўзларининг илмий ва сиёсий асарларида ўсмирлик ёшдаги болаларда барқарор касбий қизиқиш пайдо бўлмайди ёки уларнинг қизиқишлари яққол кўринмайди, дея ёзганлар. Лекин республикамизнинг турли вилоятларидаги мактабларнинг VII-VIII синфларида ўқиётган ўғил ва қизлар билан ўтказилган оммавий сўроқ варақаларига қайтарилган жавоблар кўпчилик ўсмирларнинг танлаган ихтисосликлиги бўйича ишлаш ёки ўқитишни давом эттириш ниятида эканлигини тасдиқлайди. Ишчи касбларини танлашга ижобий таъсир кўрсатаётган ўқитувчилар ва ота-оналарнинг роли анча ортди. Бироқ шуни ҳам эътироф этиш керакки, VIII-IX синфларнинг талайгина ўқувчилари моддий ишлаб чиқариш соҳасидан бошқа касбларни танламоқдалар.

Таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики, мактаб, оила ва ишлаб чиқариш жамоалари биргаликда иш олиб боргани туфайли ўқувчиларнинг ишчи касбларини эгаллашга ва умуман касбга қизиқишлари ортган.

Меҳнат-политехник таълим дарслари сифатининг яхшиланиши ва кабинетлар ҳамда устахоналарнинг ишлаб чиқиш-ўқув асбоб-ускуналари билан таъминланиш, тарбиянинг фаол методларидан фойдаланиши, битирувчи ўқувчиларнинг касб танлаш масъулиятини сезиши ишчи касбларининг нуфузини 19 фоиздан 40 фоизгача кўтариш имконини берди.

Бўлғувси касбни асосли равишда танлаш кўрсаткичи энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Халқ хўжалии билан алоқа, меҳнат аҳлига муҳаббат, механизациялашган меҳнат бажарган истаги ана шундай асослар жумласидандир.

Амалий машғулотлар мазмунли ва қизиқарли ташкил этилгани, мактабда, ўқув ишлаб чиқариш марказида ва база корхоналарида VII-IX синф ўқувчиларининг унумдор меҳнати учун яхши шароит яратилгани сабабли касб танлаш борасида сезиларли ютуқларга эришилди.

Меҳнат йўлини танлашнинг асосларини шакллантириш омиллари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. VIII-IX синф ўқувчиларининг дастлабки ишлаб чиқариш таълими жараёнида амалий фаолиятга ва танланган касбга

аста-секин кўникиб қолишлари туфайли меҳнатга психологик жиҳатдан тайёрланмоқдалар.

Юқори синф ўқувчиларининг ҳаётий режаларини ўрганиш мактаб ва ёшлар ташкилотларининг масъулиятли иши бўлиб қолди. Онглиликни, мустақилликни тарбиялаш ва касбий аҳамитга молик қизиқишларини шакллантириш мактабни битирувчи ёшларга педагогик ёрдам беришни кўзда тутди.

Касбга йўналтириш масалаларига алоҳида эътибор бериш, асосий вазифани-мактабни битирган йигит-қизларни ишга жойлаштириш ва муайян ишлаб чиқариш шароитларига кўниктириш вазифасини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Ёшларни ишга жойлаштириш тажрибасидан маълумки, ўқувчиларнинг деярли ҳаммаси тўққизинчи синфни тамомлагач, касб-ҳунар коллежларида ёки академик лицейда ўқишни давом этирадилар.

Академик лицей ва касб ҳунар коллежини битирган ўқувчилар эса асосан икки қисмга бўлинадилар: айримлари олий ўқув юртларига ариза берадилар ва бошқалари корхоналарга ишга кирадилар. Мана шундай битирувчиларнинг ярмидан кўпини қишлоқ ёшлари ташкил қилади.

Шундай қилиб. Ўқувчиларни касбга йўналтириш билан бирга меҳнатга тайёрлаш ишлари улардаги мавжуд билимларни барқарор касбий қизиқиш ва умумий манфаат учун меҳнат қилиш истаги манбаига айлантиришда; ҳар бир ўқувчи меҳнатнинг аҳамиятини ва мамлакат ҳаётидаги ролини чуқур англаш ҳамда бўлғуси касбни танлашга самарали психологик таъсир этадиган меҳнат малакаларини эгаллашда; шунингдек ўғил ва қизларда мустақилликни, ташаббусни, масъулият хиссини, ерга, корхонага, жонажон ўлкага муҳаббатни тарбиялашда жуда катта ёрдам бераётир.

Тушунтириш ишларини цехда, дастгоҳ ёнида, тракторчилик бригадасида, устахоналарда, механизациялашган чорвачилик фермасида, техника хизмати кўрсатиш пунктларидаги унумли меҳнатда ўқувчиларни фаоллаштириш билан кўшиб олиб бориш ишчи касбларини танлашдаги психологик тўсиқларни бартараф этишнинг асосий воситасидир.

Назорат саволлари.

1. Ўқувчиларни кўпроқ ишчи касбларига йўллашда нималарга кўпроқ эътибор бериш керак?

2. Касб танлашда сезиларли ютуқларга эришиш учун қандай ишларни бажариш керак?

Адабиётлар.

1. К. Давлетов “Меҳнат ва касб таълим-тарбиясидан амалий машғулотлар” Тошкент, Ўқитувчи – 1995.

2. К. Давлетов, И. Чичиков “Ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент, Ўқитувчи – 1988.

3. Л. В. Ботякова ва бошқалар “Касбга йўналтириш ўқув-методика кабинети” Тошкент, Ўқитувчи- 1989.

Лаборатория иши

Мавзу: Касбга қизиқиш даражасини ифодаловчи модель

Ишдан мақсад: Талабаларни ўқувчиларни касбга қизиқиш даражасини ифодаловчи модель билан таништириш.

Бажариладиган ишлар:

1. Тавсия этилган материални таҳлил қилиш, ундаги ғоялар ва принципларни аниқлаш, қўшимча адабиётлардан, газета ва журналлардан мавзуга тааллуқли психологик ҳамда педагогик қоидаларни топиш, ана шуларни ҳаммасини қуйдаги тартибда ифодалаш:
 - I. Касбга қизиқиш масалаларига доир ғоя принциплари.
 - II. Касбга қизиқишнинг психологик ва педагогик масалалари.
 - III. Касбга қизиқиш ғоялари ва принципларни, психологик ва педагогик қоидаларни мактабларда амалга ошириш йўллари.
2. Тўплаган материаллар асосида реферат тайёрлаш. Рефератни ижодий ишлаб, курс иши ёзиш фикри туғилса, уни ҳисоботда баён қилиш.

Назарий маълумот

Ситуатив билиш ва касбга қизиқиш ўрганишга беқарор муносабат сифатида намоён бўлади, яъни ўқувчи ёки устанинг бевосита назорати остидаги бажаради. Унда анализ, синтез ва умумлаштириш кўникмалари кўринмайди, ирода кучи ривожланмаган бўлади, ўқувчи ўзининг келажакдаги касбига лоқайд қарайди, касбий фаолит учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга эҳтиёж сезмайди ҳамда интилмайди. Унда фақатэнг оддий амалий ишларга асосан тасодифий ва қисқа муддатли қизиқиш намоён бўлади. Одатда ўқувчи дарс давомида (хусусан назарий машғулотларда) пассив, ташаббуссиз бўлади, педагогнинг, гуруҳдаги ўртоқларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлиш учун ҳаракат қилмайди, педагогнинг фаолиятига даъватидан ва у вазиятга боғлиқ ҳолда интизомсизликка йўл қўяди.

Беқарор билиш-касбий қизиқиш у ёки бу ўқув фанига, фаолият турига етарли даражада қизиқмаслик, касбни эгаллаш учун назарий билимларнинг ролини яхши билмаслик, ўзининг билим ва кўникмаларига ишонмаслик билан ифодаланади. Қизиқиш бир фаолият туридан бошқа фаолият турига гўё «кучиб юради».

Бундай ўқувчилар ижобий баҳо олишга тиришадилар, лекин бунинг учун етарлича куч сарфлашга ҳаракат қилмайдилар, ортиқча куч сарфламай, муайян натижаларга осонгина эришиладиган амалий фаолиятга қизиқадилар. Шунингдек, улар мустаҳкамлик, ташаббускорлик, ижодкорликни талаб қиладиган ишларни ёқтирмайдилар, ўзларининг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга эҳтиёж сезмайдилар, дарсда, устахонада, гуруҳда содир бўлган воқеаларга ўз муносабатларини етарли даражада билдирмайдилар. Уларнинг назарий машғулотларга бефарқ қарашлари яққол кўринади ва шу билан бирга улар ўқув устахоналаридаги ишларга маълум даражадагина қизиқадилар. Ўқувчилардаги барқарор билиш-касбий, ақлий, иродавий қизиқишлар етарлича шакллангани билан фарқланади.

Мана шу тоифага кирадиган ўқувчилар ўзларининг келажакдаги касб-корлик учун энг қизиқарли фаолият турларини яхши биладилар. Назарий ва ишлаб чиқариш таълими дарсларида фаоллик, мустақиллик кўрсатадилар, педагог (ўқитувчи, уста) қўйган мақсадга эришиш учун астойдил ҳаракат қиладилар, ўз ишларининг натижасига ва уларнинг педагог томонидан қандай баҳоланишига доимо қизиқадилар, ишдаги муваффақиятсизликдан руҳан эзиладилар, педагога мурожат этиб, ундан ёрдам сўрайдилар, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда қатъиятлилиқ кўрсатадилар.

Қўйилган талабларни қийин-қистовсиз бажарадилар, интизомсизликка йўл қўймайдилар.

Онгли билиш-касбий қизиқишнинг яққол ифодаланиши, ўрганилаётган касбга чинакам берилиш билан ифодаланади.

Бундай тоифадаги ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларни мукаммал ўзлаштиришга интилишлари, назарий билимларни эгаллаш учун астойдил ва қатъий ҳаракат қилишлари билан ажралиб турадилар.

Мазкур ўқувчиларнинг таълим олишдаги етакчи мотивлари ўрганилаётган касб бўйича юқори малакага эришиш зарурлигини англашдир, шунингдек, улар ўз тенгқурларидан юксак даражадаги ақлий малакалари-қизиқиш доираларининг кенглиги, мустақиллик ва ижодкорлик кўрсатишга интилишлари билан фарқланадилар. Уларнинг дарсдаги билиш фаоллиги яққол кўринади.

Бундай ўқувчилар меҳнат натижаларини баҳолаш мезонларини ҳам аниқ биладлар. Кўпича ўқишда ва ишда яхши натижаларга эришадилар. Улардаги билимлар, амалий кўникма ва малакаларнинг ҳажми, савияси касб ва малака разряди талабаларига жавоб беради.

Эҳтиёж билиш-касбий қизиқиш таркиб топиши жараёнининг натижаси сифатида вужудга келади. Эҳтиёж ўрганилаётган касб билан боғлиқ фаолиятга мойиллик намоён бўлади, шунинингдек меҳнатга касбий ва психологик жиҳатлардан тайёргарлик даражасини ифодалайди.

Дарсда ҳосил бўлган билиш-касбий қизиқишнинг белгилари ўқувчиларнинг уёки бу даражасини аниқлашда, ана шу қизиқишнинг динамикасини, эксперимент давомида ривожланиши, қўлланилаётган усуллар ҳамда воситаларнинг самарадорлигини аниқлашда ёрдам беради.

Назорат саволлари.

1. Ситуатив билиш деганда нимани тушунасиш?
2. Беқарор билиш деганда нимани тушунасиш?
3. Онгли билиш деганда нимани тушунасиш?

Адабиётлар.

- 1.К.Давлетов “Меҳнат ва касб таълим-тарбиясидан амалий машғулотлар” Тошкент, Ўқитувчи – 1995.
- 2.К.Давлетов, И.Чичиков “Ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент, Ўқитувчи – 1988
- 3.Л.В.Ботякова ва бошқалар “Касбга йўналтириш ўқув-методика кабинети” Тошкент, Ўқитувчи- 1989

Лаборатория иши

Мавзу: Ўқувчилардаги касбга қизиқишни аниқлашнинг мезон ва даражалари.

Ишдаг мақсад: Талабаларни ўқувчилардаги касбга қизиқишни аниқлаш мезон ва даражалари билан таништириш.

Бажариладиган ишлар:

1. Тавсия этилган материал асосида муайян ўқувчининг касбга қизиқишини аниқлаш ва тўпланган маълумотлар бўйича реферат тайёрлаш.
2. Рефератда қўшимча адабиётлардан, газета ва журналлардан фойдаланиб тегишли психологик қоидаларни ифодалаш.

Назарий маълумотлар

Ўқувчиларни касбга йўналтириш муваффақиятли амалга ошириш мақсадида назарий ва ишлаб чиқариш таълимининг энг қулай усуллари ҳамда методларини танлаш, яқка тартибда олиб бориладиган билиш касб-корлик фаолиятининг асосий сифатлари ва жараёнларини касбий қизиқишнинг 4 та жиҳати бўйича тегишли баллар билан ҳисобга олиш лозим.

1. Ақлий жиҳатдан қуйдагилар назарда тутилиши керак. (1-жадвал)

2. Диққат шаклланишнинг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи дарс давомида берилган топшириқларни бажаришда алахсимаиди, йўриқнома-технологик хужжатларни батафсил ўрганишга интилади, бажарилаётган топшириқ бўйича саволлар беради-3 балл;

б) дарсда ўқувчи камдан-кам алахсийди, ўртоқлари билан камдан-кам гаплашади. Ўрганилаётган материал бўйича саволлар бермайди, таълимий хужжатлардан ахён-ахёнда фойдаланади.-2балл;

в) Ўқувчи дарс вақтида кўп алахсийди, топшириқни истамайгина бажаради, ўрганилаётган материаллар бўйича саволлар бермайди. Ўртоқлари билан кўп гаплашади ва уларни ҳам алахситади-1 балл;

г) ўқувчи дарсда ҳеч қандай таълимий топшириқни бажармайди, лоқайд ва ўз хаёли билан банд бўлади-0 балл.

2. Техник объектлар ва операцияларни эслаб қолишнинг мезон ва даражалари:

А) ўқувчи бир кўришдаёқ техник объектнинг конструкциясини ва уни тайёрлашда бажариладиган технологик операцияларнинг тартибини эслаб қолади. Анча вақт ўтгандан кейин ҳам уларни қайта тиклай олади -3 балл;

Б) ўқувчи техник объектнинг конструкциясини ҳамда уни тайёрлаш технологиясини дарров эслаб қолади. Орадан анча вақт ўтгач уни қайта тиклашда бирмунча қийналади -2 балл;

В) ўқувчи керакли маълумотларни қийналиб, бир неча марта такрорлаганидан кейингина эслаб қолади. Қайта тиклашда ҳам анча қийналади – 1 балл;

Г) ўқувчи керакли маълумотларни кўп марта такрорлаганидан кейингина эслаб қолади. Орадан анча вақт ўтгач, уларни қайта тиклай олмайди -0 балл.

3. Техник объектларнинг тузилиши ва технологиясининг моҳиятини тушунишнинг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи муаммоли саволларга тез ва йўналтирувчи маълумотларсиз тўғри жавоб қайтаради, мавзуга доир техник масалаларни бировнинг ёрдамисиз ҳал қилади, меҳнат усуллари ва операцияларини онгли ҳамда батариб қўллайди -3 балл;

б) ўқувчи муаммоли масалаларни муҳокама қилишда фаол қатнашади, лекин ҳар доим ҳам тўғри фикрларни айта олмайди. Меҳнат усуллари ўзлаштиришда устанинг тузатиши ва ёрдамига эҳтиёжманд бўлади -2 балл;

в) ўқувчи муаммоли масалаларни муҳокама қилишда лоқайд қатнашади, мосламалар, объектларнинг тузилиши ва операцияларни бажариш усуллари бўйича кўп савол беради. Кўпинча топшириқларни мустақил ҳолда бажара олмайди -1 балл;

г) ўқувчи муаммоли масалаларни жамоа бўлиб муҳокама қилишда қатнашмайди, топшириқларни бажара олмайди -0 балл.

4. Техника ва технологияни ўрганишда кузатувчанликнинг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи уста кўрсатган меҳнат усуллари аниқ такрорлайди, барча машқларни тез ва хатосиз бажаради, меҳнат операцияларини яхши ўзлаштиради – 3 балл;

б) ўқувчи меҳнат усулини ўрганишда қайтадан кўрсатиш ва тузатишга эҳтиёжманд бўлади -2 балл;

в) ўқувчи меҳнат усулини бир неча марта кўрганидан кейингина ўзлаштиради. Жорий йўриқнома унга алоҳида эътибор бериш лозим -1 балл;

г) ўқувчи асосий меҳнат меҳнат усуллари мустақил ҳолда ўзлаштира олмайди, ишда доимо хатога ва яроқсизликка йўл қўяди – 0 балл.

5. Ўқув қобилиятлари ривожланишининг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи касбий билим ва кўникмаларини тез ва фаол ўзлаштиради. Изланиш фаолияти билан мустақил шуғуллана олади ва ижодий йўсиндаги техник вазифаларни ҳал қила билади -3 балл;

б) ўқув касбий билимларини тез ва фаол ўзлаштиради, ишлаш фаолияти билан мустақил шуғуллана олади – 2 балл;

в) ўқувчи материални ўзлаштиради, лекин уни амалда қўллай олмайди -1 балл;

г) ўқувчи дарслик, қўлланма ва хоказолар бўйича тегишли материални мустақил ҳолда ўзлаштира олмайди -0 балл.

Эслатма. Ақлий жиҳатнинг шаклланганлик кўрсаткичи қуйидаги харфлар билан ифодаланади:

Ю – юқори (12 дан 15 баллгача)

У – ўртача (6 дан 11 баллгача)

П – паст (6 баллгача).

II. Мотив –эҳтироси жиҳатдан қуйидагилар назарда тутилиши керак (2 – жадвал):

1. Ишга берилишнинг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи бутун дарс мобойнида топшириқни бажариш билан астойдил шуғулланади. Ишдан алахситадиган нарсаларга эътибор бермайди. Унга ишда танаффус қилиш кераклигини айтишга тўғри келади -3 балл;

б) ўқувчи баъзи ҳоллардагина ўртоқлари билан гаплашади бошқа машғулотга ўтади, лекин унинг ҳаёли ишда бўлади – 2 балл;

в) ўқувчи ишга унчалик қизиқмайди, тез-тез алахсийди, иш ўрнидан кетиб қолади, ўртоқлари билан гапга тушиб кетади – 1 балл;

г) ўқувчи ўзи яхши ишламайди ва бошқаларни ҳам ишдан қолдиради – 0 балл.

2. Ишни сифатли бажаришга интилишнинг мезон ва даражалари:

а) Ўқувчи ўзи ҳақидаги фикрларни ва ўз бригадаси (гурухи) нинг шарафини оқлашга ҳаракат қилади. Ўзини ўзи назорат қилишга тиришади. Яхши ишлагани учун маънавий рағбатлантиришни юксак қадрлайди-3 балл.

б) ўқувчи ўз ишини юқори сифатли бажаришга интилади, лекин унда жамоа учун масъулият ҳисси етарлича ривожланмаган-2 балл;

в) ўқувчи турли сабабларга кўра ишнинг сифати учун масъулиятни етарли даражада сезмайди-1 балл;

г) ўқувчи бажараётган ишининг сифатига бефарқ қарайди-0 балл;

3. Ўзини билим ва малакаларини такомиллаштиришга интилишнинг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи доимо қўшимча (техник ва илмий-оммабоп) адабиётларни ўқийди, дарснинг инструктор-технологик концепциясини мустақил ҳолда ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Машқларни ва ўқув ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришга жиддий муносабатда бўлади; меҳнатнинг барча усуллари тез ва сифатли бажаришни ўзлаштириб олгунча ҳотиржам бўлмайди-3 балл;

б) ўқувчи зарур билим ва кўникмаларини тезроқ ўзлаштиришга тиришади, лекин ўқув дастурининг доирасидан чиқмайди ва ортиқча фаоллик кўрсатмайди-2 балл;

в) ўқувчи вақти-вақтида қандайдир вазиятлар (устанининг ота-оналарнинг жиддий назоратива ҳоказолар) сабабли янги билим ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади-1 балл;

г) ўқувчи ана шу йўналишда ташаббуссиз ва лоқайд-0 балл;

4. Ўқув ишларидан қаноатланишнинг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи учун дарсда бажариладиган ишда муваффақиятга эришиш жуда муҳимдир. Унда устанинг мақтови ва яхши баҳоси чуқур мамнунликни вужудга келтиради-3 балл;

б) ўқувчи устанинг мақтовига сазовор бўлиш ва яхши баҳо олиш учун интилади, лекин бунда ўқув меҳнати жараёни ва унинг натижалари ҳамма вақт қониқиш манбаи бўлавермайди-2 балл;

в) ўқувчини меҳнат жараёни ва унинг натижалари қизиқтирмайди, у зиддиятдан, устанинг ёки ота-онасининг танбеҳини эшитмаслик учунгина ўқийди-1 балл;

г) ўқувчи дарсда бажариладиган ишга салбий муносабатда бўлади, ҳамма ишни мажбуран бажаради. Уни меҳнат натижалари қизиқтирмайди-0 балл.

Эслатма. Мотив-эҳтиросли жиҳатнинг шаклланганлик кўрсаткичи қуйдаги ҳарфлар билан ифодаланади:

Ю-юқори (9 дан 12 баллгача)

Ў-ўртача (5 дан 8 баллгача)

П-паст (4 баллгача)

III. Иродавий жиҳатдан қуйдагилар назарда тутилиши керак.(3 жадвал):

1. Интизомлиликини аниқлашнинг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи машғулотга кечикмайди, ҳеч қачон дарслардан ўзича кетиб қолмайди. Гуруҳ фаолларининг интизом ва тартибни яхшилаш борасидаги ишларида қатнашади-3 балл;

б) ўқувчининг ўзи интизомли, аммо у гуруҳда интизомнинг бузилиши ҳолларига бефарқ қарайди-2 балл;

в) ўқувчи баъзан машғулотга кечикади ва буни жиддий камчилик деб ҳисоблайди-1 балл;

г) ўқувчи кўпинча узрли сабабсиз машғулотга келмайди, танбех ва суҳбатлар унга таъсир қилмайди-0 балл.

2. Ижрочилик фаоллигининг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи устанинг барча топширини ҳамда кўрсатмаларин ўз вақтида бажаради. Уй вазифаларини доимо бажаради. Дарс пайтида унинг ишини назорат қилишнинг хожати йўқ-3 балл;

б) ўқувчи уй вазифасини баъзан бажармайди, айрим ҳолларда уни уй ишларини бажариш ҳақида огоҳлантиришга тўғри. Дарс мабоишида унинг ишини назорат қилиб туриш лозим-2 балл;

в) ўқувчи уй вазифасини бажаришга лоқайд қарайди. Устанинг танбеҳи ва кўрсатмаларига парво қилмайди, дарс мобайнида унинг ишини мунтазам назорат қилиб туриши лозим-1 балл;

г) ўқувчи уй вазифасини бажармайди. Дарс пайтида устанинг кўрсатмасига қарамай, бошқа ишлар билан шуғалланиб ўтиради-0 балл.

3. Ишга берилишни аниқлашнинг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи ишга шундай киришадики, топшириқни бажариб бўлгунча бошқа нарсаларга алахсимайди-3балл;

б) ўқувчи айрим ҳолларда ўртоқларининг таъсири билан ўқув ишлаб чиқариш фаолиятдан алахсийди-2 балл;

в) ўқувчи кўп алахсийди, бажараётган ишига жиддий муносабатда бўла олмайди-1 балл;

г) ўқувчи мақсадга интилиб меҳнат қилмайди, унга доимо танбех бериш ва ишини кузатиш лозим-0 балл.

4. Ишда қийинчиликларни енгишга тайёрлиқнинг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи ҳар доим мураккаброқ топшириқни танлашга ҳаракат қилади. У ишда учрайдиган қийинчиликларга қизиқади. Мураккаб муаммоларни чинакамига ҳал қилгунча улар устида ишлашни тўхтатмайди-3 балл;

б) ўқувчи мурвккаб вазифаларни танламайди, лекин мажбуран танласа, муваффақиятга эришгунча ишлайди-2 балл;

в) ўқувчи муайян муаммоларни четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Қийинчиликларга дуч келса, ожизлик қилади ва уларни бировнинг ёрдамисиз бартараф эта олмайди-1 балл;

г) ўқувчи, ҳатто, озгина қийинчиликларни ҳам ена олмайди, доимо кимнингдир ёрдамини кузатади-0 балл.

Эслатма. Иродавий жиҳатнинг шаклланганлик кўрсаткичи қуйдаги харфлар билан ифодаланади:

Ю-юқори (9 дан 12 баллгача)

Ў-ўртача (5 дан 8 баллгача)

П-паст (4 баллгача)

IV. Билиш-касбий жиҳатда қуйдагилар назарда тутилиши керак (4-жадвал).

1.Таълим объектининг назарий асосларини билишга қизиқишнинг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи технологик жараённинг, операциянинг физик, механик ва бошқа ҳоссаларини тўғри ўзлаштирган: бу муаммоли масалаларни таҳлил этиш мантиқий, изчил мулоҳазаларда ва техник вазифаларни бажаришда кўринади-3 балл;

б) ўқувчи техник объектга берилган тушунтиришни ва технологик операциялар тартибини яхши эслаб қолган, аммо рўй бераётган ҳодисаларни ва механизмдаги қисмларнинг ўзаро таъсири ва ҳоказоларни тушунтиришда қийинади-2 балл;

в) ўқувчи у ёки бу технологик ёки конструктив схемани нима учун қўлланишини айтиб бера олмайди, фақат уни механик тарзда ифодалай олади-1 балл;

г) ўқувчи объект конструкциясининг асослари ва технологик жараённинг моҳиятини билмайди-0 балл.

2. Билимни амалда қўллаш кўникмасининг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи техник объектнинг конструкциясини ва технологик жараённинг моҳиятини билади, қўшимча машқларсиз муайян технологик операцияларни мустақил бажара олади-3 балл;

б) ўқувчи техник объектнинг конструкциясини, шунингдек, технологиянинг моҳиятини билади, лекин операцияларни махсус машқлардан кейингина бажара олади-2 балл;

в) ўқувчи объектнинг конструкциясини ва уни тайёрлаш технологиясини билади, лекин амалий кўникмаларни узок тайёргарлик ва машқлардан кейингина бажара олади-1 балл;

г) ўқувчи ўзининг назарий билимларини амалий ишда қўллай олмайди, доимо ёрдамга эҳтиёжманд бўлади-0 балл.

3. Бажарилган иш сифатининг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи амалий ишда яроқсизликка йўл қўймайди, операцияларда ўзини-ўзи назорат қилиш малакаларига эга тайёрланган буюмларнинг кўринишига эстетик тус беришга тиришади-3 балл;

б) ўқувчи ишда хатоларга йўл қўяди ва ишни айтилган нуксонларни тузатиб топширади. Ишнинг сифати анча яхши-2 балл;

в) ўқувчи кўп ҳатоларга, ҳатто (шошилиши ва эҳтиётсизлиги сабабли) жиддий яроқсизликка йўл қўяди-1балл;

г) ўқувчи ўзини-ўзи назорат қилиш малакасига эга эмас, кўпича яроқсиз маҳсулот топширади-0 балл.

4. Меҳнат ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилишнинг мезон ва даражалари:

а) ўқувчи меҳнат ҳавфсизлиги йўриқномасини яхши эслайди ва уни пухта бажаради-3 балл;

б) ўқувчи баъзан алахсийди ва меҳнат ҳавфсизлиги қоидасига риоя қилишни унутади-2 балл;

в) ўқувчи кўпича меҳнат ҳавфсизлиги қоидаларини бажаришга эътибор бермайди-1 балл;

г) ўқувчи доимо меҳнат ҳавфсизлиги қоидаларни жиддий равишда бузади-0 балл.

Эслатма. Билиш касбий жиҳатнинг шаклланганлик кўрсаткичи қуйдаги ҳарфлар билан белгиланади:

Ю-юқори (12 дан 15 баллгача)

Ў-ўртача (5 дан 12 баллгача)

П- паст (4 баллгача). 1- жадвал

Ўқувчиларнинг исми ва фамилияси	Ақлий жиҳатнинг мазмуни					Ўртача балл	Жиҳат. Шакллан. кўрсаткичи
	диққ ат	Эсла б қоли ш	кузат увча нлик	туш уни ш	Ўқув қобили яти		

2-жадвал

Ўқувчиларнинг исми ва фамилияси	Мотив-эҳтиросли мазмуни				жиҳатнинг Ўқув	Ўртача балл	Жиҳат. Шаклланган. кўрсаткичи
	Ишга бери лиш	Ишн и сифа тли бажа р.инт ил.	Билим ва малака такомил лаш. Интили ш.	Ўқув ишидан қаноатл аниш			

3-жадвал

Ўқувчиларнинг исми ва фамилияси	Иродавий жиҳатнинг мазмуни				Ўртача балл	Жиҳат. Шаклланган. кўрсаткичи
	интиз омли лик	Ижро чили к ҳалло лик	Ишга бери лиш	Ишдаги кейингили кни енгишга тайёргарл ик		

4-жадвал

Ўқувчиларнинг исми ва фамилияси	Билиш-касбий жиҳатнинг мазмуни				Ўртача балл	Жиҳат. Шаклланган. кўрсаткичи
	Наза р.асо с.бил ишга Қизи қ.	Били мни амалд а қўлла й олиш	Бажа рилг ан иш сифа ти	Хавфсизл ик қоидалари га риоя қилиш		

Назарий саволлар.

1. Ўқувчиларни касбга қизиқишида қайси жиҳатларини инобатга олиш лозим?
2. Ақлий жиҳатдан нималар эътиборга олиниши керак?
3. Иродавий жиҳатдан нималар эътиборга олиниши керак?

Адабиётлар.

1. К. Давлетов “Меҳнат ва касб таълим-тарбиясидан амалий машғулотлар”
Тошкент, Ўқитувчи – 1995.
2. К. Давлетов, И. Чичиков “Ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш”
Тошкент, Ўқитувчи – 1988.
3. Л. В. Ботякова ва бошқалар “Касбга йўналтириш ўқув-методика
кабинети” Тошкент, Ўқитувчи- 1989

Лаборатория иши.

Мавзу: Касбга йўналтиришнинг муҳим омиллари.

Ишдан мақсад: Талабаларга ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг муҳим омиллари билан таништириш.

Бажариладиган ишлар:

1. Тавсия этилган материални ўрганиш, ундаги асосий ғоялари, принциплар ва касб танлашнинг сабабларини аниқлаш.
2. Ўқувчилар касб танлашнинг сабаблари бўйича реферат ёзиш, унда мазкур сабабларни психологик, сиёсатшунослик ва педагогиканинг асосий йўналишлари бўйича ифодалаш.

Назарий маълумотлар.

Умумий ўрта таълим мактабларининг иш тажрибасидан маълумки, ўқитувчилар ҳам касбга йўналтириш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш бўйича имкониятларга эгадирлар. Улар ўқувчиларнинг касбга қизиқишини касб танлашнинг сабабларини мунтазам равишда ўрганишлари; ана шу қизиқишни тегишли йўналишда солиб боришлари, таълим жараёнида ўз фанларини ўрганилаётган материал билан, турмуш билан, корхона меҳнатчиларининг амалий ишлари билан боғлаб, ўқувчиларга касблар тўғрисидаги баъзи маълумотларни айтиб, уларни касбга йўналтириш учун ўқув машғулотларидан фойдаланишлари; мактабда синфдан ташқари ҳар хил ишлар (тўғараклар, ўқувчиларнинг жамиятлари, танловлар, олимпиадалар ва ҳоказолар) ни уюштириб, шулар орқали ўқувчиларнинг меҳнат фаолияти турларига майлллари ва қобилиятларини ўрганишлари ҳамда ривожлантиришлари, уларни ижтимоий фойдали, унумли меҳнатга жалб қилишлари мумкин.

Касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари турли касблар бўйича меҳнат фаолиятининг мазмуни билан, иалакали ишчилар тайёрлаш савиясига қўйиладиган талаблар билан умумий таълим мактабларидаги фан ўқитувчиларига нисбатан кўпроқ танишдилар. Уларнинг кўпчилиги кўп йиллар мобайнида саноатишлаб чиқаришида ўзлари меҳнат қилган касбларини яхши биладилар ва севадилар. Мактабда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишини олиб боришда уларнинг билим ва тажрибасидан кенг фойдаланиши мумкин.

Ишлаб чиқариш таълим ўқитувчиларни меҳнат фаолиятининг ҳилма-хил жиҳатлари билан таништиришлари; уларга ҳар бир кишилар ҳақида гапиришлари; ўз каблари билан шуҳрат қозонган кишилар ҳақида гапиришлари; уёки бу касбни, ихтисосни эгаллаш учун зарур билим ва малакаларни таърифлашлари; тавсия этилган касблар бўйича муваффақиятли ишлаш учун қандай қобилият ва фазилатлар зарурлигини тушунтириб беришлари; янги техника ва технология шарофати билан ҳар бир касбнинг характери ва меҳнат шароитларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни келтиришлари керак.

Касбга йўналтиришда қуйдаги тадбирлар муҳим аҳамиятга моликдир:

- ўқитувчи ва усталарнинг маъруза ва ахборотларидан фойдаланиш;

- турли касблар билан танишиш мақсадида ўқувчиларнинг ҳунар-техника таълими ўқув юртларида, база корхоналарига ва бошқа ташкилотларга экскурсияларини уюштириш;
- Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларнинг турмуши меҳнати ва ўқиши тўғрисида ҳикоя қилувчи кинофильмлар ва турли кўрсатмалар (стентлар, плакатлар, кўргазмалар ва шу кабилар) ни намойиш қилиш;
- Касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг наъмуналаридан кўргазмалар ташкил этиш;
- Касб-ҳунар коллежларида «Очиқ эшиклар» кунларини ўтказиш;
- Меҳнат қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш наводорлари, меҳнатни ташкил қилишнинг ҳар хил турларида ишлаётган бригадалар аъзолари, деҳқонларнинг суҳбатлари ва маъруза ларини уюштириш;
- Мактаб ўқувчиларининг касб-ҳунар коллежи ўқувчилари билан ишлаб чиқариш мавзуларига, бўлғуси касбларни танлашга бағишланган учрашув-кечаларни ўтказиш;
- Айрим касбларга бағишланган мавзули кечалар ташкил қилиш;
- Қишлоқ касб-ҳунар коллежи мутахассислари, ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқувчилари билан муайян касблар бўйича яқка тартибдаги ишларни йўлга қўйиш.

Мактабларнинг ҳунар-техника билим юртлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши улардаги ўқувчиларга катта наф келтимокда. Ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг умумий фикрига кўра, бундай ишлар ўқувчиларнинг касбий онг-билим даражасини анча кенгайтирмокда ва ишчи касблари ҳақидаги тасаввурларини чуқурлаштирмокда. Шу тариқа ўқитувчиларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам касб-ҳунар коллежларига муносабатлари ўзгармокда. Улар касб-ҳунар орқали кадрлар тайёрлаш тизимига, умуман оммавий касбларга эътибор билан қарайдиган бўлиб қоладилар. Шунини айтиш керакки, кўпинча ўқиш учун олий ўқув юртларига киришни ҳоҳлаган ўқувчилар ўз фикридан қайтиб, касб эгаллаш учун касб-ҳунар коллежига кириш тўғрисида жиддий ўйламокдалар.

Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари педагогик жамоаларнинг бевосита ҳамкорликдаги иши ўқувчиларни оммавий касбларни онгли равишда танлашга психологик ва педагогик жиҳатдан тайёрлашга иобий таъсир кўрсатмокда.

Маълумки, микрорайонда бир ёки бир неча ишлаб чиқариш корхоналари, касб-ҳунар коллежлари, маданият муассасалари, мактабдан ташқари муассасалар ва бошқа ташкилотлар жойлашган бўлади ва мактабларнинг педагогик жамоалари ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини ана шу ташкилотлар билан биргаликда олиб борилади.

Барча манфаатдор ташкилотларнинг куч ғайратини бирлаштириш учун мактаб микрорайон бўйича ўқувчиларни касбга йўналтириш кенгаши тузади. У ўқувчиларни касбга йўналтириш туман кенгашига бўй сунади. Мазкур кенгаш қуйдаги тадбирларни амалга ошириши керак:

- турли ташкилот ва муассасаларнинг касбга йўналтириш борасидаги ишларини мувофиқлаштириш;

- корхоналар, касб-хунар коллежлари, болалар кутубхоналари, клублари ва техник ижодкорлик станциялари, турар жойлардаги клубларнинг касбга йўналтириш кенгашлари фаолиятига педагогик раҳбарлик қилиш;
- мактаб микрорайонида касбга йўналтириш кенгашлари фаолиятига педагогик раҳбарлик қилиш
- мактаб микрорайонида касбга йўналтириш соҳасидаги илғор иш тажрибасини тарғиб қилишни ташкил этиш;
- саноат корхоналари, касб-хунар коллежлари, ўқув-ишлаб чиқариш марказларига жамоатчи касбга йўналтирувчиларнинг махсус дастур бўйича ўқишни ташкил этишда методик ёрдам бериш;
- мактаб синфларини оталикка олган саноат корхоналари цехлари ва касб-хунар корхоналарининг мусобақасини йўлга қўйиш;
- касбга йўналтириш ишларининг методик ва моддий-техник базасни вужудга келтириш ва такомиллаштириш.

Мактаб микрорайонида касбга йўналтириш масалаларини комплекс ҳал қилиш учун кенгаш таркибида ташкилий, ахборот, маданий-оммавий тадбирлар, ота-оналар билан ишлаш, ўқувчилар билан ишлаш, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва ёш ишчилар билан ишлаш секторини тузиш тавсия этилади.

Касбга йўналтириш кенгашининг ташкилий сектори микрорайондаги барча жамоатчи касбга йўналтирувчиларнинг ишини мувофиқлаштириб туради ва назорат қилади; касбга йўналтириш кабинетларининг ишини мунтазам равишда текшириб боради; мажлисларда шу кабинетларининг ишини мунтазам равишда текшириб боради; мажлисларда шу кабинетларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди, касбга йўналтириш муаммолари юзасидан илмий-амалий ва методик семинарлар ўтказди; жамоатчи касбга йўналтирувчиларнинг ўқишини ва тажриба алмашувини ташкил қилади; буларни методик адабиёт билан таъминлайди.

Ахборот сектори ишчи касбларини матбуот, радио ва телвидение орқали тарғиб қилади; кенгаш олиб борадиган ишлар юзасидан ҳисобот ва маълумотнома ҳужжатларини тайёрлайди.

Маданий-оммавий тадбирлар сектори ишчилар синфига бағишланган байрамлар, тантанали маъросимлар, заводда ва махсус касб-хунар коллежларига йўлланмалар топшириш, заводда меҳнат дафтарчалари ва гувоҳномалар топшириш тантанали йиғилишларини ташкил қилиш; маданият муассасаларида, мактабдан ташқари муассасаларида касбга йўналтириш ишларини уюштиради.

Ота-оналар билан ишлаш сектори мактаб ўқувчиларининг ота-оналари билан ишлашни ташкил қилади; ота-оналар мажлисларида касб танлаш; заводда ўқиш ва ишлаш шароитлари мавзусида корхона вакилларининг чиқишларини уюштиради; ишчилар сулоалаларини ва ишлаб чиқаришда пешқадамлик қиладиган ота-оналарнинг тажрибасини тарғиб қилади.

Мактаб ўқувчилари билан ишлаш сектори ўғил ва қизларнинг қандай касбни танлаш режалари ва сабабларини ўрганади; уларнинг ишга

жойлашувини назорат қилади; синфдан ташқари касбга йўналтириш тадбирларини йўлга қўйишда қатнашади; касбга йўналтириш кабинети ишга ёрдамлашади; корхоналарга экскурсиялар уюштиради, ифоришчилар билан учрашувлар ўтказади; ишлаб чиқариш бригадалари ва синфларнинг ўзаро мусобакаси шартномаларини назорат қилади; касбга йўналтириш ишларида мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш марказига кўмаклашади.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилар ва ёш ишчилар билан ишлаш сектори база касб-ҳунар билим юртини комплектлашда кўмаклашади; касбга йўналтириш кабинетини жиҳозлашда қатнашади; завод ишчиларининг мактаб ўқувчилари, билим юртини битирувчилар олдида сўзга чиқишларини режалаштиради; касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан йигит ва қизларни заводда уюштириладиган касбий маҳорат танловида, рационализаторлик ва ихтирочилик ишида қатнашишга жалб этади; ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилади; касбга йўналтирувчи цех кенгашларининг ишини бошқаради.

Мактаб микрорайонидаги касбга йўналтириш ишлари ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш меҳнат ўқитувчисига ва мактабнинг бошқа ходимларига ўқувчилар билан мазкур ишларни янада самаралироқ олиб бориш имконини беради.

Назорат саволлари.

1. Касбга йўналтиришда қайси тадбирлар муҳим аҳамиятга эга?
2. ўқувчиларни касбга йўналтириш кенгашнинг вазифалари нималардан иборат?

Адабиётлар.

- 1.К.Давлетов “Меҳнат ва касб таълим-тарбиясидан амалий машғулотлар” Тошкент, Ўқитувчи – 1995.
- 2.К.Давлетов, И.Чичиков “Ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент, Ўқитувчи – 1988 .
- 3.Л.В.Ботякова ва бошқалар “Касбга йўналтириш ўқув-методика кабинети” Тошкент, Ўқитувчи- 1989

Лаборатория иши

Мавзу:Касб типлари ва классификацияси.

Ишдан мақсад:Касб типлари ва классификациясини ўрганиш.

Назарий маълумот

Хозирги кунда мажуд касблар қуйдаги типларга ажратилган.

1. Инсон-табиат- меҳнат предметлари.
2. Ер, сув, ўсимлик, ҳайвонлар(масалан гиолог, сувчи, чарввдор ва х.к)
3. Инсон-техника-меҳнат предметлари.
4. Машиналар станоклар, опаратлар, приборларва х.к.
5. Инсон – меҳнат предметлари, меҳнат предметлари инсонлар (врач, сотувчи ва х,к).

6. Инсон –шартли белгилар – меҳнат предметлари шартли белгилар, сўзлар, формулалар (ҳисобчи, ЭҲМ программисти, корректор ва ҳ.к.).
7. Инсон бадий образ –меҳнат предметлари барча бадий образли ва уларнинг элементлари (закргар, рассом ва ҳ.к.).

Юқорида кўрсатилган 5 та гуруҳдаги касблар фақат касб мазмуни эмас балки таълимий аҳамиятга ҳам эга.

Масалан бўёқчи касбидан фақат тозалик эстетик дид талаб этилмасдан балки қўлларини координациялаш, буюмга ижодий ёндошиш ҳам талаб қилинади. Ўқувчиларни касбга йўллашда касб агитацияси ва пропагандаси катта аҳамиятга эга. Бунда ўқитувчи асосий роль ўйнайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, касб таълимига оид қуйидаги хулосаларини қилиши мумкин.

- Касб таълими ўқувчига кенг маънодаги ҳалқ хўжалиги тузилиши ва ундаги касблар ҳақида маълумот.
- Касб таълимини ўтказишда ҳалқ хўжалигини ривожланиш истиқболлари туманнинг иқтисодий ўсишлари, касб муассасалари инobatга олиниши лозим.
- Касб таълимини ўтказиш конкрет касбнинг ривожланиши шу касбга бўлган эҳтиёж, ўқувчи ёши, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари инobatга олиниши шарт.

Касб таълимини муваффақиятли ўтказишга қуйидаги талаблар қўйилади.

- Ўқув дастурини мукамал ўрганиш.
- Бошқа фан ўқитувчилари билан алоқани мустаҳкамлаш.
- Туманлар, ишлаб чиқариш корхоналари ишчи касбларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш.

Касб таълими жараёнини турли шаклларда ташкил қилиш мумкин. Жумладан суҳбатлар, учрашувлар, рефератлар тайёрлатиш ва ҳ.к.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Касб типларини санаб тушунтириб беринг.
2. Касб маорифи нима?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. П.Т.Магзумов “Ўқувчиларни меҳнатга ва касб танлашга тайёрлаш” Т. Ўқитувчи 1991 йил.

- 2.К.Давлетов, И.Чичиков “Ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент, Ўқитувчи – 1988

Лаборатория иши

Мавзу: Ўқувчиларни ҳалқ хўжалиги тузилиши билан таништириш.

Ишдан мақсад: Ўқувчиларни ҳалқ хўжалигини тузилиши билан яқиндан таништириш.

Ишга оид назарий маълумотлар.

Меҳнат мазмунини қатор омиллар жумладан; касб хусусиятлари билан белгиланади. Касб махсус тайёргарликни тақазо этадиган меҳнат туридир. Корхоналарда турли касб эгалари меҳнат қиладилар. Уларнинг асосий энг

кўп қисми ишчилардан иборат. Ишчиларнинг кўпчилиги корхонани асосий маҳсулотини тайёрлайдилар. Масалан: станокларда деталга ишлов берадилар (токалар, фрезалар, автоматлинияларни операторлари ва бошқалар) буюмларни йиғадилар, созлайдилар (слесер йиғувчилар, радио аппаратини созловчилар ва бошқалар) булар асосий ишчилар ҳисобланади, яна бошқа ишчилар (ремонтчилар, электромонтёрлар, контриллерлар ва хоказо).

Асбоб анжомларга хизмат кўрсатиш.

Техникани ремонт қилиш, материал ва асбобларни иш ўринларига, тайёрланган деталларни йиғув цехларига келтириш, буюмларни сифатини текшириш ва бошқа ишлар билан шуғулланадилар. Улар маҳсулотларни тайёрлашда бевосита қатнашмайдилар, балки бунинг учун зарур шароитни яратадилар.

Асосий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатадилар. Корхонадаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларни техникавий бошқариш, машиналар, приборлар ва апаратларини янги турларини лойхалаш технологик жараённи ишлаб чиқиш каби ишларни муҳандис техник ходимлар технологлар, конструкторлар ва бошқа мутахассислар амалга оширади.

Корхоналарда ишчилар инженер ходимлардан ташқари хизматчилар (маъмурий идора ва хўжалик ишларини бошқарувчилар) корхонада турли касбларни ўрганадилар, шогирдлар кичик ёрдамчи ходимлар ҳам фаолият кўрсатади. Ишчи меҳнатнинг мазмуни унинг малакаси билан белгиланади.

Малака-киши бирор меҳнат фаолияти турига тайёргарлик даражаси, маълум мураккабликдаги меҳнатни бажариш учун зарур билим ва кўникмалар мажмуи кўп касблардаги ишчиларни малака даражаси разряд билан белгиланади. Малака даражаси қанча юқори бўлса разряд ҳам шунча юқори бўлади.

Масалан умумтаълим мактабларида ишчи касблар бўйича 1-2 разряд, касб-ҳунар коллежларида 3-4 разряд, корхонада ишлаётган ўз малакасини ошириб ишчилар 5-6 разряд олишлари мумкин. Бир қанча касблар (ҳайдовчи ва бошқалар) учун малака даражаси класс билан белгиланади. Бундай ҳолда 1-класс малаканинг энг юқори даражаси ҳисобланади. Буларни аниқлаш учун махсус таъриф жадвал мавжуд бўлиб, уларда типавий ишлар рўйхати ҳолида у ёки бу даражада малакали мутахассисларни билим ва кўникмаларга кўйиладиган талаблар ифодаланган.

Разрядлар (класслар) тоифалар бериш, малака имтиҳонларни натижаларига қараб малака камиссияси тамонидан амалга оширилади.

Техник жиҳатдан қуролланганига кўра қўл меҳнати меҳанизатциялашган ва автоматлаштирилган меҳнат бир-биридан фарқланади.

Қўл меҳнати (масалан; қўл билан бажариладиган) ортиш, тушириш, транспорт ишлари, жиҳозларни ремонт қилиш ва созлаш қўлда йиғиш ва хоказоларда қўл асбобларидан фойдаланилади. Меҳанизатциялашган меҳнат (масалан; қўл ёки меҳаник, узатмали станокда ишлов бериш автоматлашни, экскаватори бошқариш ва хоказо) қўлда бошқариладиган машиналарни қўллашни тақозо этади.

Назорат саволлари

1. Корхоналардаги асосий ишчикучи ва улар ҳақида маълумот.
2. Ишчилар малакаси даражаси ва разрядлар ҳақида тушунча.
3. Меҳнат турлари ва уларни бир-биридан фарқи.

Адабиётлар.

- 1.К.Давлетов “Меҳнат ва касб таълим-тарбиясидан амалий машғулотлар”
Тошкент, Ўқитувчи – 1995.
- 2.К.Давлетов, И.Чичиков “Ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш”
Тошкент, Ўқитувчи – 1988
- 3.Л.В.Ботякова ва бошқалар “Касбга йўналтириш ўқув-методика
кабинети” Тошкент, Ўқитувчи- 1989

Лаборатория иши.

Мавзу: Касб профессиограммасини ўрганиш.

Ишдан мақсад:Касб профессиограммасини тузишни ўрганиш.

Назарий маълумот

Касб профессиограммаси-тўғри касб танлаш меҳнатнинг мазмунини ҳаракерини иложи борича кўпроқ билишни ҳамда бўлғуси меҳнат фаолияти жараёнидаги муносабатлар тўғрисида, иложи борича тўлароқ маълумотга эга бўлишни тақозо этади.

Касб тўғрисида энг муҳим манбалардан бири профессиограмма ҳисобланади. Профессиограмма касбга берилган характеристика бўлиб унга

касб одамнинг шахсий фазилатлари, ақлий психологик жисмоний ва бошқа фазилатларига қуйдаги асосий талабларни ўз ичига олади.

Барча профессиограммалар тахминан қуйдаги системада тузилади.

1. Касбнинг номи.

2. Касбнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва ўрни.

Меҳнатнинг тури: Қўл меҳнати механизатциялаштирилган, автоматлаштирилган меҳнат.

1. Меҳнат предмети ва маҳсулоти.

2. Ишни бажариш учун зарур бўлган билим ва маҳорат.

3. Иш шароити ва иш жойи.

4. Меҳнат режими (сменалик, бир хиллик шу касблар) ва дам олиш режими.

5. Касбнинг соғлиққа тўғри келмаслиги ҳақида медисина хулосаси.

6. Шахснинг иродавий ишчанлик ва бошқа фазилатларига қўйиладиган талаблар.

7. Касбнинг шахснинг унинг умумий маданият даражасининг шаклланишига, ақлий қобилиятларининг ривожланишига ҳарактерига ва шу каби сифатларига кўрсатадиган таъсири.

8. Касб ўрганиш йўллари, ўқув юртининг ҳарактеристикаси ва уларга кириш шароитлари.

9. Професионал ўсиш иқболлари.

10. Турдош касблар.

Ҳар бир ўсмир, ҳар бир меҳнат йўли қандай бошланиши тўхрисида ўйлар экан ўзи учун мўлжалланган касбнинг профессиограммасини тузиш лозим бўлган касб жиҳатидан муҳим сифатларни белгилаб олишга ёрдам беради. Станоклар ва автомат линиялари созловчиси касбига оид профессиограмма.

Созловчилик касби-энг янги истиқболли касблардан биридир. Усаноатда мураккаб автомат қонунлар билан бир вақтда пайдо бўлди.

Созловчининг ишлаб чиқаришдаги асосий вазифаси-станокларни ва автомат линияларни маълум бир турдаги маҳсулотга ишлаб беришга тайёрлашдан иборат. Созловчи деталларига синов тариқасида ишлаб бериш тадбири амалга оширилади ва асбоб ускуналарини ишини кузатиб боради.

Берилган параметрлардан қандайдир чекинишни сезганда созловчи машинанинг қайери бузилганлигини аниқлайди. Ҳамда ўз билимини маҳоратини ва малакаларига, тажрибаларига таянган ҳолда у камчиликларини йўқотиб машинани тузатади.

Станоклар ва автомат линияларини созловчиси юксак даражада техник билим олган ва кўриб эслаб қолиш хотирасига эга бўлган киши бўлмоғи керак.

Турли туман техник вазифаларини ҳал қилиш зарурияти билан боғлиқ бўлган ишларни бажараётган созловчи учун мантиқий жиҳатдан тўғри ўйлаш ва ижодий фикрлаш ғоят муҳим.

Созловчилар машинасозлик, металга ишлов бериш корхоналарида ва бошқа шунга ўхшаш жойларда меҳнатқиладилар.

Бу касбни касб-хунар коллежларида эгаллаш мумкин. Машина ва ускуналарини созловчи программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари техник-механик касблари турдош касблар ҳисобланади.

Назорат саволлари.

1. Касб профессиограммаси нима.
2. Касб профессиограммасини тузиш схемасини тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. П.Т.Магзумов “Ўқувчиларни меҳнатга ва касб танлашга тайёрлаш” Т. Ўқитувчи 1991 йил.
2. А.Д. Сазанов «Профессиональная ориентация молодёжи» М. 1989 г.

Лаборатория иши.

Мавзу: Ўқувчиларни касбга йўллашда оила ва мактаб ҳамкорлигини ўрганиш.

Ишдан мақсад: Ўқувчиларни касбга йўллашда ота-оналари билан мактаб ҳамкорлигини ўрганиш.

Назарий маълумот.

Мактаб, оила ва ишлаб чиқаришнинг ҳамдўстлиги ёш авлодни янги руҳда тарбиялашнинг асосий принципи ҳисобланади. Ўқувчиларда

профессional қизиқишларини ривожлантириш ва таркиб топтириш, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги хизмат кўрсатиш соҳаси ишчи касбларига ижтимоий эътиборнинг ортиши, ҳаёт йўлининг онгли равишда танлаш ишининг муваффақияти мактаб, оила ва ишлаб чиқаришнинг биргаликда олиб борилган самарали ишларига боғлиқ.

Шахсни тарбиялаш асослари оиладан бошланади, яъни ўқувчилар баъзи касблар билан, хусусан ўз ота-оналари, акалари, опалари, қариндош уруғларининг касблари билан оилада таниша бошлайдилар бу эса ўқувчилар рпрофессional қизиқишларининг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларнинг ҳамма ота-оналарини (уларни ўз болалари билан оилавий касб танлашга йўллаш ишларида актив иштирок этиш даражасига қараб) тахминан 4 катигорияга бўлиш мумкин.

1. Ота-оналар болаларининг ўйинлари ва меҳнатини кузатадилар, уйда болаалри қизиққан ҳар қандай иш билан машғул бўлишлари учун шароит яратиб берадилар; болалари билан корхона, каллективнинг меҳнати ҳақида, ўз ишлаб чиқариш муоффақиятлари тўғрисида суҳбатлашадилар; уларнинг қизиқишлари ва қобилиятлари ва халқ хўжалиги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда аниқ маслаҳатлар берадилар.
2. Ота-оналар болалари билан касб танлаш ҳақида суҳбатлашадилар, лекин актив таъсир кўрсатмайдилар, ўз болаларининг индивидуал хусусиятларини ҳар доим ҳам ҳисобга олавермайдилар.
3. Ота-оналар болаларининг режаларига ҳа деб аралашаверадилар, уларнинг қизиқишлари, истак ва имкониятларини ҳисобга олмайдилар, еасбнинг моддий ва оброли тамонларидан келиб чиқиб ўзлари танлаган ихтисосни эгаллашга мажбур қиладилар.
4. Ота-оналар ўз балоларининг келажагига пассив ва совуққонлик билан қарайдилар, уларга касбтанлашга ёрдам бермайдилар, бу муаммодан ўзларининг беҳабарлиги ва нотўғри маслаҳат бериб қўйишларидан чўчиб, “ўзинг кўр”, “қайси бири яхши бўлса шуни танла” ва х.к. ларқабилида иш тутиб, ўзларни четга тортадилар.

Кўпчилик ота-оналар касб танлашга йўллаш масалалари бўйича маслаҳатларига муҳтождирлар. Улар бундай ёрдамни суҳбат, консулътация ва бошқа тадбирлар формасида мактаб педагогика каллективи, врач, психолог, корхона мутахасисларидан олиш мумкин.

Мактаб ўзининг режалаштирган тадбирларига мувофиқ равишда ота-оналар канференциясини уюштириш ва ўтказиш керак. Бу канфренцияларда корхона кадрлар бўлимлари, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича бўлимларнинг, вилоят ходимлари, турли хил касбларнинг, вакиллари ва ўқув юртларининг раҳбарлари ҳамда ота-оналар сўзга чиқишлари мумкин бўлади. Улар ўз касбларининг мазмуни ҳақида мувофақиятли меҳнат қилиши учун қўлланиладиган зарур билим ва малакалар ҳамда бошқа нарсалар тўғрисида бу касбни қайерда ва қандай эгаллаш ва шу хусусида қандай маҳоратли

бўлиш ҳақида; ёшлар дуч келадиган қийинчиликлар ҳақида ва ўқувчилар билан оилавий суҳбатлар учун тавсиялар ҳақида гапириб беришлари керак.

Мактабдаги касб танлашга йўллаш ишларини олиб боришга ота-оналарининг ўзларини, айниқса, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишчи касбларнинг вакилларини кенг жалб этиш зарур.

Назорат саволлари.

1. Ўқувчиларни касб танлашда оиланинг аҳамияти
2. Оилавий касб танлашга йўллашда ота-оналар нечта категорияга бўлинади.
3. Мактабда ўқувчиларни касб танлашга йўллашда олиб бориладиган ишлари.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. П.Т.Магзумов “Ўқувчиларни меҳнатга ва касб танлашга тайёрлаш” Т. Ўқитувчи 1991 йил.
2. А.Д. Сазанов «Профессиональная ориентация молодежи» М. 1989 г.